

Ibrohim S. USMONOV,
Candidate of Historical Sciences,
Researcher of the Institute of Oriental Studies
named after Abu Rayhan Biruni.
M.Ulugbek str. 79, 100170, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: i.usmanov@yahoo.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-1/6

**ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ «КИТОБ
АС-САЛОТ» АСАРИДА ФИҚҲИЙ
МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

**JURISPRUDENTIAL ISSUES IN
«KITAB AL-SALAT» BY AL-HAKIM
AT-TIRMIDHI**

**ЮРИДИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ В
«КНИГЕ О МОЛИТВЕ» АЛ-ХАКИМА
АТ-ТИРМИЗИ**

КИРИШ

Ҳаким Термизийнинг фақиҳлиги тадқиқотларда суфийлигидан кўра кам намоён бўлсада, аммо унинг бу жиҳати ўрта аср мусулмон биографлари томонидан қайд этилган. Фаридуддин Аттор (1145-1221) Ҳаким Термизийнинг кўп сифатлари ичида «шариатда мужтаҳид бўлган, Термиз аҳлидан бир жамоа унга эргашган, унинг мазҳаби шундай илмда эдики, ўзи раббоний олим эди, унга ҳикмат ва асрорлар кашф бўлган, (шу боис) ҳеч кимга тақлид қилмаган. Шундайин ҳикмат эгаси эдики, авлиёлар ҳақими деб атаганлар» (Фаридуддин Аттор, 1968:458) – деб қайд қилган.

Абу Бакр Калобозий ҳам «ат-Таарруф» китобида Ҳаким Термизийни муомалот бобида ижод қилган суфийлар таркибига киритади. Ҳорис Муҳосибий, Яҳё ибн Муоз Розий, Ҳаким Самарқандий ва бошқалар билан бир қаторда зикр қилиб, «бу зикр қилинган кўзга кўринган машҳурлар фазилят эгасидирлар. Улар мерос қилиб олинган илмни ўзлаштирилган илм билан жамладилар. Уларнинг тасниф этган китоблари кўрсатадики, улар ҳадис эшитдилар, фикх, калом, тил ва Қуръон илмларини жамладилар» (Калобозий, 1994:12).

Ибн Ҳажар Асқалоний Ҳаким Термизий ҳақида танқидий қарашларни Қози Камолiddин ибн Адимдан нақл қилиб «Лисон ал-мезон»

асарида келтиради. Ибн Ҳажар таассуф билан «Қасамки, Ибн Адим бу масалада муболага қилиб юборган. Агар, гапларида Ҳаким Термизийга таъна қилган имомларнинг гапларидан нақл бўлмаганда, буларни зикр қилмаган бўлар ва бу зотнинг буюклиги туфайли шу гапларни келтириб ўтирмасдим», дейди (Ибн Ҳажар Асқалоний, 2002:386).

Юқоридаги манбаларда келтирилган маълумотлар турли мавқедан ёзилган бўлсада, Ҳаким Термизийнинг фақиҳ бўлганини, ўзига хос фикҳий қарашлари мавжуд эканини, бу йўналишда асарлар ёзгани, унга одамлар эргашгани, унинг фикрлари фақиҳларда турли мулоҳазалар уйғотганини тушуниш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳаким Термизий катта ҳажмли асарлар билан бир қаторда жуда кўп «масоил» туркумида қисқа рисоалар ёзгани маълум, уларнинг ҳажми бир бетдан ўнлаб саҳифаларга чўзилиши мумкин. Термизийнинг рисоалари ўз даврида турли долзарб масалалар бўйича тезкор жавоб бериш мақсадини кўзлаган эди. Термизий кўп «масоил»ларни кимдир қизиқиб бирор масалани кўтаргани, ёки ундан шу мавзу бўйича савол бўлгани ҳақидаги гап билан бошлайди. Рисоаларнинг мавзулар тематикаси турлича бўлгани боис, уларни таснифлашга эҳтиёж бор. Ҳаким Термизийнинг айрим катта ҳажмли асарлари унинг турли мавзулардаги ёки бир-бирига боғлиқ мазмунга эга «масоил»лар тўпламидан иборат. Мазкур тўламлар орасида фикҳий асарлар ҳам мавжуд. Ҳаким Термизийнинг «масоил» туркумидаги қўлёзмалари тўплamlар сифатида асосан Валиюддин, Исмоил Соиб, Асад Афанди, Лейпциг, Зоҳирия, Готтинген кутубхоналарида жамланган.

Шулар ичида Туркиянинг Валиюддин фондида № 770 рақами остида сақланадиган тўпламда Ҳаким Термизий қаламига мансуб 34 асар: 4та китоб, 9 рисола, 20 масоил ва бир боб матн (Fikret K., 2005:229-243) жамланган. Қўлёзма 200 варақдан иборат бўлиб, муқоваси 184x257мм, матн 131x192 мм. Асар қўлёзмаси XIV асрда мағриб насх ёзувида кўчирилгани тахмин қилинади (Fikret K.,2005:235). Китобнинг форзацига унинг номи «Китоб шифа' ал-илал» экани айтилиб, уни Ҳаким Термизий таълиф

Аннотация. Мақолада илк ўрта асрлар машҳур суфийси Ҳаким Термизийнинг «Китоб ас-салот» номли фикҳий асари унинг қўлёзма нусхаси асосида таҳлил қилинади. Ҳозирда Ҳаким Термизийнинг бизгача етиб келган 120га яқин асаридан 60га яқини, 200дан зиёд рисолаларидан айримларигина нашр қилинган, қолганлари эса қўлёзма шаклида жаҳон фондларида сақланмоқда. Шунингдек, Термизийнинг манбаларда номлари келтирилган, лекин ўзи бизгача етиб келмаган яна 30дан ортиқ асари бўлган. Шунини қайд этиши лозимки, алломанинг «йўқолган», деб ҳисобланган асарлари бугунги кунда ҳам жаҳон қўлёзма фондларидан топилмоқда. Мақолада Ҳаким Термизийнинг тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган асарларидан бири тадқиқ қилинади. «Китоб ас-салот» асари намоз ибодатининг иллатлари – сабаб, моҳиятлари мавзусига бағишланган. Манбаларда қайд этилишича, Ҳаким Термизий ҳукмларнинг иллатлари ҳамда «хатм ал-авлиё» ҳақидаги мулоҳазалари учун тазйиққа учраган. Мана шу тазйиқ сабабларидан бири бўлиши мумкин бўлган асарнинг бугунги кунда жаҳон қўлёзма фондларида икки нусхаси сақланиб қолган. Тамомила мустақил, деб эътиборга олинishi мумкин бўлган асар, узоқ вақт худди шу мавзудаги Ҳаким Термизийнинг бошқа бир асари – «ас-Салот ва мақосидуҳо» асарининг қисқартма шакли, деб ҳисоблаб келинган. Гарчи, қўлёзмада такрор ва ўхшаш жойлар бўлсада, «Китоб ас-салот» асари «ас-Салот ва мақосидуҳо» асаридан амалий-тадқиқий жиҳати билан ажралиб туради. Асарда ханафийлик тамойиллари устуворлиги мақолада аниқ матн ва далиллар асосида тақдим этилади. Ҳаким Термизийнинг асардаги усул ал-фикҳ ва фуру ал-фикҳга оид хулосалари асосида унинг фикҳий қарашлари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: иллат, тазйиқ, қўлёзма, суфий, оят, ҳадис, Валиюддин, Дор ал-кутуб ал-мисрийя.

Abstract. The article, based on a manuscript, analyzes the jurisprudential work «Kitab al-salat» by the famous Sufi of the early Middle Ages, al-Hakim at-Tirmidhi. It is known that at present, out of almost 120 works of al-Hakim at-Tirmidhi, only 60 have been published, and out of more than 200 treatises, only a small part has been published by researchers. The rest are kept in manuscript form in the world's collections. Also the names of more than 30 works of at-Tirmidhi are mentioned in the sources, they are considered not to have reached us. It should be noted that the works of the scholar that were considered «lost» are being discovered in the world's manuscript collections through the efforts of researchers. The author of the article examines one of the works of al-Hakim at-Tirmidhi, which remained outside the attention of researchers. The book «Kitab al-salat» is devoted to the topic of the reasons and essence of prayer. According to sources, al-Hakim at-Tirmidhi came under pressure from the authorities because of some of his works. And one of these works by at-Tirmidhi may be this book. Today, two copies of this work have been preserved in the world's manuscript collections. The work, which can be considered as a completely independent work, has long been considered as an abbreviated form of another work by al-Hakim at-Tirmidhi on a similar topic - «al-Salat va maqasiduha». Although there are repetitions and similar passages in the manuscript, the work «Kitab al-salat» differs from the work «al-Salat va maqasiduha» in its practical aspect. The priority of Hanafi principles in the work is presented in the article based on obvious texts from the source. In the article, the jurisprudential views of al-Hakim at-Tirmidhi are analyzed on the basis of his conclusions on *usul al-fiqh* and *furu' al-fiqh* in the work.

Keywords: illa, oppression, manuscript, Sufi, Verses of the Koran, Hadith, Valiuddin, Dar al-kutub al-misriya.

Аннотация. В статье на основе рукописного списка анализируется труд по фикху «Китаб ас-салат» (Книга о молитве) известного суфия раннего средневековья Хакима Тирмизи. Известно, что в настоящее время из почти 120 произведений Хакима Тирмизи, опубликовано лишь 60, и из более 200 трактатов только малая часть была издана исследователями. Остальные хранятся в рукописном виде в мировых фондах. Также упоминаются в источниках имена более 30 произведений Тирмизи, которые считаются не дошедшими до нас. Следует отметить, что считавшиеся «утраченными» произведения учёного усилиями исследователей обнаруживаются в мировых рукописных фондах. Автор статьи рассматривает одно из произведений Хакима Тирмизи, оставшееся вне зрения исследователей. Книга «Книга о молитве» посвящена теме причинам и сути молитвы. По данным источников, на Хакима Тирмизи попадал под давление властей из-за некоторых его трудов. И одна из этих работ Тирмизи может быть настоящей книгой. Сегодня в мировых рукописных фондах сохранились два экземпляра данного произведения. Труд, которое можно рассматривать как вполне самостоятельное произведение, долгое время рассматривалось как сокращённая форма другого произведения Хакима Тирмизи на схожую тему – «Молитва и её цели». Хотя в рукописи имеются повторы и схожие места, произведение «Книга о молитве» отличается от произведения «Молитва и её цели» в своём практическом аспекте. Приоритет ханафитских принципов в произведении представлен в статье на основе очевидных текстов из источника. В статье взгляды по фикху Хакима Тирмизи анализируются на основе его выводов на *усуль ал-фикх* и *фуру ал-фикх* в произведении.

Ключевые слова: иллат, притеснения, рукопись, суфий, аят, хадис, Валиеддин, Дар ал-кутуб ал-мисрия.

этгани қайд этилган. Ушбу мажмуани Термизий илмий мероси билан яқиндан шуғулланган У.Яҳё, А.Барака, М.Жуюший, Б.Радтке, Х.Заҳрий ва бошқалар қайд этганлар. Тўпламдаги 34та асарнинг бир қанчаси бугунги кунга келиб чоп ҳам этилган. Хусусан, 4та китобдан 3таси: «Хатм ал-авлиё», «Исбот ал-илал», «ар-Радд ала-р-рофиза» асарларининг замонавий нашрлари тайёрланган. Аммо, 1286-1776 варақларда жойлашган 50 варақли асар эса тадқиқотчилар томонидан Термизийнинг «ас-Салот ва мақосидуҳо» китоби қисқартмаси, деган хулосаси билан четда қолиб кетган. Ушбу китоб 39 бобдан иборат бўлиб, уни Усмон Яҳё «Илал ал-ибодот» (Усмон Я., 1965:87), мисрлик Муҳаммад Жуюший «Кайфийят ас-салот ва-л-вузу ва-с-сивок» (Жуюший М., 1980: 104-105), Абдулмуҳсин Хусайний «Илал ал-убудийя» ёки «Илал аш-шариа» ёки «ас-Салот» (яъни, «ас-Салот ва мақосидуҳо») китобининг мухтасари (Хусайний А., 1963:19), туркиялик Фикрет Карапинар «Китоб ас-салот», деб ном берганлар. Муҳаммад Жуюший ўз тадқиқотида бу китобни Термизий эҳтимол «Китоб ас-салот», деб атаган бўлиши мумкинлигига ишора қилади (Жуюший М., 1980:104). Зеро, Ҳаким Термизий ўзининг «Исбот ал-илал» асаридаги «Суннат иллоти»¹ бобида «Намоз арконларини барпо қилиш ҳақида «Китоб ас-салот»да келтирганмиз», – деб қайд қилган (Ҳаким Термизий, 1998:161). Ҳаким Термизийнинг яна бир китоби «ас-Салот ва мақосидуҳо» ҳам шу каби намоз масаласига бағишланган бўлса-да, унда ҳиссий-маънавий жиҳатлар устунрок. Сутра ва суннат мавзулари мазкур китобда алоҳида муҳокама қилинган. Шундоқ бўлсада, марокашлик Холид Заҳрий асарни кўриб чиқиб, мазкур мустақил фикҳий асарни «ас-Салот ва мақосидуҳо»нинг қисқартирилган шакли, деган хулосага қўшилади (Заҳрий Х., 2013:65). Дарҳақиқат асарнинг айрим боблари «ас-Салот ва мақосидуҳо» билан мазмунан бир хил: намоз вақтлари, рақъатлар, қалб даражалари каби боблар. Баъзи ўринларда ҳатто матнлари ҳам деярли бир хил. Масалан, қўлёзманинг 167а-171а варақларидаги матнлар «ас-Салот ва мақосидуҳо»нинг замонавий нашрининг 28-63 бетларига тўғри келади. Матнлар бир оз

¹ Валиюддин қўлёзмасида бу боб «Сутра иллоти» боби деб қайд этилган (59а).

фарқли, шунингдек, қўлёзмада ҳадис санадлари қисқартирилган. «Намознинг бошланиши ҳамда ундаги қалб манзиллари ва васваса» (167а) боби «ас-Салот ва мақосидуҳо»нинг «Намоз вақтлари Аллоҳдан», «Қабул шарҳи», «Тиловат аҳли» бобларига тўғри келади. Иккала асарда келган матнларни солиштириш асносида «ас-Салот ва мақосидуҳо»нинг замонавий нашрида айрим хатолар ҳам аниқланди. Жумладан, қўлёзмада «Намоз бу умматга шариатда буюрилган биринчи фарз бўлиб, унинг аҳли бу ҳақда қиёмат куни сўраладилар, етти маҳшарнинг биринчисида» деб келган бўлса, замонавий нашрда «ҳашр (حشر)» сўзи «жиср (جسر)», деб ўкилиб, «етти кўприкнинг биринчисида», деб табдил этилган². Ёки «зулмат (الظلمة)» сўзи «сояси (ظله)» деб ўқилган³.

Лекин, асарнинг аксар қисми оригинал, мустақил асар, дейишга тўлиқ асос бор. Ҳатто, асарнинг номига «Илал ас-салот», деган ном кўпроқ тўғри келади. Термизийнинг бу китоби «Исбот ал-илал» ва «ас-Салот ва мақосидуҳо» билан уйғун. Термизий ўз услубига кўра, бир мавзунини турли тарафлардан муҳокама қилади. Асарда Термизийнинг бошқа китобларида баён қилинган фикрлар кўп учрайди.

Мазкур асарнинг икки қўлёзмаси маълум, бири Валиюддин фондида, иккинчиси Қоҳирадаги Дор ал-кутуб ал-Мисрийяда № 125 рақами остида сақланади. Қоҳира нусхаси қадимийроқ ҳисобланади. Иккала нусха ўртасида фарқлар бор: боблар тартиби ҳар хил ҳамда Валиюддин нусхасида қуйидаги боблар Қоҳира нусхасида учрамайди: «Барча намозларнинг вақтлари» (144б), «Намозхон сутраси» (145а), «Беш намознинг бир таҳорат билан адо этилиши» (145б), «Таҳорат олишда ёки жунубликдан ғусл қилаётганда авратингни кимдир кўриши ёки сен кимнингдир авратини кўришиндан огоҳлантириш» (145б), «Намоз вақтлари» (175а) (Жуюший М., 1980:104), «Бир кеча-кундузда неча рақъат намоз борлиги ҳамда нега шундай бўлгани баёни» (141а).

Қуйидаги жадвалда иккала нусхадаги мавзулар кетма-кетлигидаги фарқлар акс этади:

² Солиштиринг: Ҳаким Термизий. Китоб ас-салот. Валиюддин фонди қўлёзмаси, инв. № 770. – В. 177а.; Ҳаким Термизий. Ас-салот ва мақосидуҳо / А.Сойиҳ ва Ҳ.Зайдон нашри. – Қоҳира, Дор ал-кутуб ал-арабий, 1965. –Б.28.

³ Солиштиринг: Ҳаким Термизий. Китоб ас-салот. Валиюддин фонди қўлёзмаси, инв. № 770. – В. 169а.; Ҳаким Термизий. Ас-салот ва мақосидуҳо / А.Сойиҳ ва Ҳ.Зайдон нашри. – Қоҳира, Дор ал-кутуб ал-арабий, 1965. – Б.33.

Боблар	Валиюддин нусхаси ⁴	Дор ал-кутуб ал-Мисрийя нусхаси ⁵
1-боб	«Қайси иллатга кўра бандалар мисвок тутишга буюрилдилар, қайси иллатга кўра у суннат бўлгани»(128б)	«Қайси иллатга кўра бандалар мисвок тутишга буюрилдилар, қайси иллатга кўра у суннат бўлгани»
2-боб	«Мисвокнинг узунлиги ва тиш тозалаганда уни қандай тишлаш керак» (129а)	«Мисвокнинг узунлиги ва тиш тозалаганда уни қандай тишлаш керак»
3-боб	«Таҳоратнинг намоздаги аҳамияти, унинг сабаби ва нима учун бандалар унга буюрилгани иллоти» (129а)	«Мисвок тутиш одоби, қандай мисвок қилинади, нима учун у сивок (араб.) деб аталган»
4-боб	«Поклик, икки кафт, юз, икки қўлни ювиш, бошга масҳ, икки оёқни ювиш, оғиз ва бурунни чайишнинг иллоти» (130а);	«Ҳожатхона нима учун хало (араб.) деб аталди, шундай аталишининг иллоти»
5-боб	«Намозда таҳорат одоби» (130б);	«Ҳожатхона одоби, ҳожатга қандай борилади, ҳожатхона одобидан ғафлатда қолма»
6-боб	«Намоз, уни қандай ўқишинг, унга амал қилишинг, Холиқ Азза ва Жаллага адо этишинг баёни» (131б);	«Таҳорат нима учун вузу (араб.), деб аталгани»
7-боб	«Зоҳирда намозни адо этиш одоби ва уни камолига етказишга нима қилинади» (134б);	«Таҳорат одоби ва ундаги фарз ва суннат»
8-боб	«Фарзнинг нега шундай деб аталиши ва унинг моҳияти баёни» (137а);	«Жунубликни кетказиш қандай қилинади, нима учун жанобат, деб аталгани иллоти ва бундаги одоблар»
9-боб	«Фарз намозларидан олдин ва кейин қанча ракъат суннат ўқилади» (139а);	«Таҳоратнинг намоздаги аҳамияти, унинг сабаби ва нима учун бандалар унга буюрилгани иллоти»
10-боб	«Нима учун суннат намози бомдоддан олдин икки ракъат, пешиндан олдин тўрт ракъат, кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат бўлгани иллоти» (140а);	«Поклик, икки кафт, юз, икки қўлни ювиш, бошга масҳ, икки оёқни ювиш, оғиз ва бурунни чайишнинг иллоти»
11-боб	«Бир кеча-кундузда неча ракъат намоз борлиги ҳамда нега шундай бўлгани баёни» (141а);	«Намозда таҳорат одоби»
12-боб	«Намозда нечта суннат борлиги ва нима учун шундай бўлгани» (141б);	«Намозда салом бериш иллоти, суннати, унинг нима экани баёни»
13-боб	«Намозда, фарз, суннат, татавву ва вожиб нима экани» (142б);	Намозни камолига етказиш
14-боб	«Намозда қиём ва қироат миқдори ҳамда ундаги суннатлар» (143а);	«Зоҳирда намозни адо этиш одоби ва уни камолига етказишга нима қилинади»

⁴ Қаранг: Ҳаким Термизий. Китоб ас-салот. Валиюддин фонди қўлёмаси, инв. № 770. – В. 128б -177б.

⁵ Қаранг: Жуюший М. Ал-Ҳаким ат-Термизий: диросатун ли осориҳи ва афкориҳи. – Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабийя, 1980. – Б.106-107.

15-боб	«Нима учун намоз форсчада «намоз» деб аталгани»(143б);	«Намозда нечта суннат борлиги ва нима учун шундай бўлгани»;
16-боб	«Намоз вақтларининг иллатлари баёни – нима учун бу вақтлар белгилангани: тонг отиши вақти, куёшнинг заволга кетишидан кейинги вақт, аср вақти, куёш ботгандан кейин, шафақнинг йўқолиши» (144а);	«Намозда, фарз, суннат, татавву нима экани»;
17-боб	«Барча намозларнинг вақтлари» (145а);	«Фарзнинг нега шундай аталиши ва унинг моҳияти баёни»;
18-боб	«Намозхоннинг сутраси, намозда бўлса қандай сутра қилиши» (145а);	«Намозда қиём ва қироат миқдори ҳамда ундаги суннатлар»;
19-боб	«Беш намознинг бир таҳорат билан адо этилиши» (145б);	«Намозларнинг тўрт ракъат, бомдоднинг икки ракъат, шом уч ракъат, бўлгани ҳамда аввалги икки ракъатда қироат қилиниши ва кейингиларида қилинмаслиги»;
20-боб	«Таҳорат олишда ёки жунублиқдан ғусл қилаётганда авратингни кимдир кўриши ёки сен кимнингдир авратини кўришингдан қайтариш» (145б);	«Витрнинг нима учун витр деб аталгани ва унинг суннат ёки вожиблиги»;
21-боб	«Намоз офатлари» (145б);	«Фарз намозларидан олдин ва кейин қанча ракъат суннат ўқилади»;
22-боб	«Суннат намозларининг офати нима экани» (147а);	«Нима учун суннат намози бомдоддан олдин икки ракъат, пешиндан олдин тўрт ракъат, кейин икки ракъат, шомдан кейин икки ракъат, хуфтондан кейин икки ракъат бўлгани илллати»;
23-боб	«Фарз намозининг далили, нима экани» (151а);	«Намоз нима учун салот (араб.) деб аталгани»;
24-боб	«Суннат намозининг далили, унинг нима экани баёни» (151а);	«Беш вақт намоз: зуҳр (пешин), аср, мағриб (шом), ишо (хуфтон), фажр (бомдод), деб аталгани илллати
25-боб	«Аллоҳ учун татавву намози далили баёни» (151б);	«Шафақ нима учун шафақ деб аталиши ва унинг қандай бўлиши»;
26-боб	«Намозда салом бериш илллати, унинг нима экани баёни» (152а);	«Намоз вақтлари илллати»
27-боб	«Намоз нима учун салот (араб.) деб аталгани» (152б);	«Нима учун намоз форсчада «намоз» деб аталгани»;
28-боб	«Беш вақт намоз»(153а);	«Намоз ва ундаги қалб манзиллари ва васваса»
29-боб	«Шафақ нима учун шафақ деб аталиши ва унинг қандай бўлиши» (155а);	«Намоз офатлари»;
30-боб	«Витрнинг нима учун витр деб аталгани ва унинг суннат ёки вожиблиги»(155б);	«Суннат намозлари офати нима экани»;

31-боб	«Намозларнинг тўрт ракъат, бомдоднинг икки ракъат, шом уч ракъат, бўлгани ҳамда аввалги икки ракъатда кироат қилиниши ва кейингиларида қилинмаслиги» (156а);	«Фарз намозининг далили нима экани»;
32-боб	«Таҳорат нима учун вузу (араб.), деб аталгани» (157а);	«Суннат намозининг далили, унинг нима экани баёни»;
33-боб	«Ҳожатхона нима учун холо (араб.) деб аталди, шундай аталишининг иллати» (157б);	«Аллоҳ учун татавву намози далили баёни»
34-боб	«Ҳожатхона одоби, ҳожатга қандай борилади, ҳожатхона одобидан ғафлатда қолма» (158а);	
35-боб	«Таҳорат одоби ва ундаги фарз ва суннат» (160б);	
36-боб	«Жунубликни кетказиш қандай қилинади, нима учун жанобат, деб аталгани иллати ва бундаги одоблар» (164а);	
37-боб	«Мисвок тутиш одоби, қандай мисвок қилинади, нима учун у сивок (араб.) деб аталган» (166а);	
38-боб	«Намознинг бошланиши ҳамда ундаги қалб манзиллари ва васваса» (167б);	
39-боб	«Намоз вақтлари» (175б).	

Юқоридаги икки хил мундарижада Қоҳира қўлёзмасидаги мавзулар тартиби бир мунча изчил экани намён бўлади. Бинобарин, Валиюддин қўлёзмасида мавзулар кетма-кетлиги фикҳий тартибдан бир қадар четлашган.

Қоҳира қўлёзмасидаги матнда «Исбот ал-илал»дан ҳам бандлар кириб қолган, уларга котиб ишора қилиб кетган (Жуюший М., 1980).

МУҲОКАМА

«Китоб ас-салот» асари қисқа ҳамд ва наътдан кейин «Қайси иллатга кўра бандалар мисвок тутишга буюрилдилар, қайси иллатга кўра у суннат бўлгани ҳақидаги боб баёни, Аллоҳдан тавфиқ (сўраймиз), деб бошланади. Сўнгра, «Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ат-Термизий раҳимахуллоҳ деди: «Билгинки, агар банда намозда кироат қилса, фаришта унинг Қуръон кироатини ёқтириб яқинлаша бошлайди. Шунинг учун ёнингдаги фаришталар туфайли оғизни хушбўй сақлаш

учун мисвок тутишга буюрилганмиз» (Ҳаким Термизий, 128).

Ҳар бир бобда мавзуга оид Қуръон оятлари ва ҳадислар, уламоларнинг қавллари, Термизийнинг шарҳи, таъвили ва шахсий муносабатини кўриш мумкин. Асарда Термизийнинг бошқа китобларига уйғун матнлар, мавзуларга бўлган ўхшаш муносабат, масалаларнинг маънавий жиҳатига алоҳида урғу бериш каби хос ёндашувни сезиш мумкин. Шу билан бирга, мазкур асарнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари ҳам бор. Жумладан, бу асарнинг шу мавзуда ёзилган «ас-Салот ва мақосидухо»дан фарқли жиҳати унинг амалий татбиғига кўпроқ қаратилганида, дейиш мумкин. Яъни, ибодатларнинг маънавий жиҳатидан кўра, амалий-татбиқий масалаларни ёритишга устуворлик берилган. Шунингдек, сўзларнинг луғавий ва истилоҳий маъносининг келиб чиқиши оят, ҳадис, ривоят ва мантиқий таҳлил орқали баён қилинган. Жумладан, намоз вақтлари ва номлари, витр намози, фарз, суннат,

вожиб, татавву, таҳорат, хало каби сўзларнинг шу ном билан аталишига сабаб бўлган барча омиллар кўриб чиқилган. Масалан, «Таҳорат нима учун вузу (араб.), деб аталгани» (157а) деб номланган бобда «Бизга Атодан ривоят қилинишича, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига тушганда, таҳоратга буюрди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу нима ё Жаброил, деб, сўрадилар». Жаброил алайҳиссалом: «Бу сенга ва умматингга гуноҳ ва маъсиятлар зулматидан нур», деди. Шунинг учун таҳорат вузу (ярқираш), деб аталган» (Ҳаким Термизий, 1998:157а).

Термизий ушбу асарида ўз қарашларини далиллашда Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббос, Салмон Форсий каби саҳобийлардан, Иброҳим Наҳайй, Саид ибн Мусаййиб, Муҳаммад ибн Сирин, Икрина, Муҳаммад ибн Мункадир, Молик ибн Динор, Фузайл ибн Иёз, Абулолия, Ато, Собит Баноний, Заҳҳок, Қатода, Иброҳим Тамимий, Мужоҳид, Ҳасан ибн Атия каби атоқли олимлар ва айниқса, кўп маротаба тобейй Ҳасан Басрийнинг фикрларини келтиради.

Термизий ушбу фикҳий асарида аксар масалаларда ҳанафий мазҳаби тамойилларига устунлик берган ҳолда, айрим масалаларда енгилроқ хулосалар ҳам келтирган. Жумладан, намозда такбири таҳримада қўлларни икки елка баробарида кўтаради, агар пастроқ кўтарса ҳам ҳечқиси йўқ, одамлар шундай қилганлар (134б), деб қайд этган. Умуман олганда, асарда ҳанафийлик фикҳи устуворлик қилади: «аузу» ва «бисмиллоҳ» ичида айтилади (134б); саждада тиззалар оёқдан олдин қўйилади (135а); намозда «Фотиҳа» сурасини ўқиганингда «Омин»ни маҳфий қилиб айтасан, дейди. (135а); вожиб ва фарзни фарқлаб кўрсатади (137б), намоздаги баъзи амаллар фарз ва баъзилари вожиб эканини ажратиб беради (138а), такбири таҳримадагина қўлни кўтариш (138а). Шунингдек, суннат намозлари рақъатлари адади ҳанафий мазҳаби бўйича (139а) келтириб, «аҳли сунна ва жамоа мазҳабига мувофиқ, мана шу бизнинг уламоларимиз мазҳаби», деб келтиради (139б). Сўнг айнан 12 рақъат суннат Пайғамбардан (с.а.в.) буюрилганини исботловчи далилларни келтириб, суннатларнинг иллатларини очиб беради. Таҳоратнинг фарз ва суннатлари

бобида қўлларни тирсақлар тепаси билан ювиш таъкидланади (162а).

Термизий асарда намоздаги ҳукмларнинг иллатларини (сабаб-моҳияти) ҳам баён қилган: намоздан олдин мисвок қилишнинг иллоти – ўқилган оят фариштаннинг ичига қиради, шунинг учун Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мисвокни буюрганлар (128б-129а); таҳоратнинг иллоти – банда у билан Раббисининг ҳузурда туриши (130б-131а); намоз вақтлари иллатларини очиб беради (141а); намоздаги саломнинг иллоти банда Аллоҳдан ва Унинг ҳузурдаги савобидан узилиб қолмаслигидир (152 а). Шунингдек, «Фарз намозларидан олдин ва кейин қанча рақъат суннат ўқилади» (139а) бобида суннат намозларининг рақъатлари сони, қандай ўқилишини келтириб, кейинги «Нима учун суннат намози бомдоддан олдин икки рақъат, пешиндан олдин тўрт рақъат, кейин икки рақъат, шомдан кейин икки рақъат, хуфтондан кейин икки рақъат бўлгани иллоти» (140а-141а) бобида буларнинг сабаблари муҳокама қилинади.

НАТИЖА

Асарда усул ал-фикҳга оид матнлар ҳам муҳокама қилинган. Жумладан, «Намозда фарз, суннат, татавву ва вожиб нима экани» (142б) ҳақидаги бобда бу категорияларни ҳанафийлик доирасида ажратади. «Билгинки, суннат намоз, амаллар, феъллар, гап ва бошқа нарсаларда бўлади. Суннат – Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бажарган ҳамда саҳобийлар, биродарлар ва жамики умматини бу ишга буюрган, ваҳий орқали [бу амал] учун Аллоҳ ҳузуридан савоб берилиши билдирилган. Мана шу уммат учун суннатдир. Татавву эса, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзидан ихтиёрий бажарган, умматини бунга буюрмаган ишдир, мисоли Арафа ва Ашуро кунларидаги рўза, чошгоҳ намози ва бошқалар Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан татаввудир. Унга умматларини буюрмадилар. Ким бажарса, у яхши. Ким бажармаса, ҳараж (танглик) йўқ. Ким суннатни тарк этса у гуноҳкордир. Чунки, у Пайғамбар алайҳиссаломнинг буйруқларини тарк этмоқда. Ким Уларнинг буйруқларини тарк этса, қаттиқ гуноҳкор бўлади. Аллоҳ азза ва жалла уларга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам

буйруқларини бажаришга амр қилган. [...] Киши бир қанча муддат ўз ихтиёрига кўра татавву амал қилиб юради, сўнгра тарк этади. Бунда унга гуноҳ бўлмайди. Чунки, бу амални у ўзидан чиқариб қилиб юрган эди. Вожиб эса, Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзи бажариб юрган амал вожиб қилинди, у фарз каби [бажармаганга] гуноҳ ва [бажарганга] савоб ўртасида. Вожиб – Пайғамбар (с.а.в.) ўзи бошлаб, бажариб юрган амал бўлган. [...] Кейин, Аллоҳ таоло худди шундайни вожиб қилди ва уни бажаришга буюрди. Мана шу нарса вожибдир. [...] Фарзнинг ибтидоси эса Аллоҳдан бўлади. Сўнгра, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳдан амр олгандан кейин уни бажаради. Демак фарзнинг амри Пайғамбарнинг феълидан олдин Аллоҳнинг ҳузуридан келади. Вожибнинг амали эса, олдин Расулуллоҳдан содир бўлади, сўнг кетидан Аллоҳнинг амри тушади» (Ҳаким Термизий, 1998:1426-143а).

Асарнинг «Суннат намозининг далили, унинг нима экани баёни» (151а) бобида «Суннат икки хилдир, Расулуллоҳ (а.с.) фақат ўзигагина хослаган суннат, мисоли чошгоҳ намози, уйланишлари (адади) ва бошқа нарсалар. Иккинчиси, токи улар (суннатлар) билан ҳидоятга эришиши учун умматига раҳмат, шафқат юзасидан суннат қилган ишлар. Ким унда чуқур кетса, тўғри йўлдан адашади» (Ҳаким Термизий. Қўлёзма, 151).

Ҳаким Термизий мазкур асарида айрим мавзуларни жуда муфассал шарҳлайди, жумла дан, «Мисвок тутиш одоби, қандай мисвок қилинади, нима учун у сивок (араб.), деб аталган» (166а) бобида мисвок қайси дарахтдан бўлади (арок дарахти афзал), қачон қилинади (қуннинг боши ва охири), қайси маҳалда қандай ҳолатда қилинади (эрталаб кучли, пешинда енгил, кечқурун енгилгина) бировнинг мисвокини ишлатмаслик, доим ювиб ишлатиш ва ювиб жойига қўйиш, оғиз бўшлиғининг орқа тишлар томонидан бошланиши, қандай мисвок қилиниши (ўнг қўлда), қандай қўйиш (ерга қаратмасдан, тепага юзлантириб) шу кўрсатилган тартибда қилса қандай маънавий ва жисмоний манфаатлар (ранг тиниқлашиши, кўриш қобилияти ошиши, соч мустаҳкамланиши ва бошқа) олиши, агар булардан четлашса қандай физиологик ўзгаришлар ёки касалликлар (пес, мохов, захарланиш, хотира заифлашиши, балғам

кўчиши) ва бошқа муаммоларга (ризқ камайиши, кўрлик келиб чиқиши) дуч келиши ёритиб берилган. Термизий ўз гапларига далил сифатида ҳадислардан унумли фойдаланади.

Асарда Термизий анъанавий тарзда тилшунослик масалаларига ҳам эътибор қаратади. «Нима учун намоз форсчада «намоз», деб аталгани» ҳақидаги бобда, «намоз» сўзи аслида сурёний сўз экани, Одам (а.с.)га биринчи бўлиб сажда қилган фариштанинг номи экани келтирилади (144а). Термизий яна бошқа истилоҳларнинг ҳам шарҳини келтиради: фарз, витр намози, суннат, вожиб, татавву, таҳорат ва бошқа.

Ҳаким Термизий «Фарз намозининг далили» номли бобда рационал тафаккур ҳақида фикр юритиб, асарда ҳатто ибодатларда ҳам ақл жуда муҳим ўрин тутишини муҳокама қилади (151а).

Асарда Термизий «барча уламолар ижмоси», «уламоларимизнинг гапи» (138б), «уммат ижмоси» (139а) каби бирикмаларни ўз фикрини далиллаш учун кўп ишлатади. Масалан, «Намознинг фарзлари 7та: ният, такбир, киём, кироят, сажда, руку, ташаххуд микдорича ўтириш, ким уларни қасддан ёки унутиб қолдирса, барча уламолар ижмосига кўра, намози бузилади» (138б). Бу билан Термизий аҳли сунна уламосини назарда тутди.

Термизий асарда замондош адашган суфийларни ҳам танқид қилиб кетади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинади: «Охир замонда суф (пўстин, жун) кийган қавм чиқади. Улар намозлари, кийимлари, рўзаларида ўзларини бошқалардан афзал кўрадилар. Уларни осмон Эгаси ва фаришталар лаънатлайдилар» (Ҳаким Термизий. Қўлёзма, 1998:146). Ушбу бобда риёкорлик каттик қораланади.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлар асосида айтиш мумкинки, гарчи бошқа китоблар билан ўхшаш, такрор жиҳатлари бўлсада, «Китаб ас-салот» асарини мустақил асар, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳатто, асарнинг номига «Илал ас-салот», деган ном кўпроқ тўғри келади. Асар «ас-Салот ва мақосидуха»нинг қисқартмаси, деган қараш устуворлиги оқибатида тадқиқотчилар эътиборидан бир оз четда қолган. Ҳозирги вақтда ФА Шарқшунослик институтида ушбу асарни нашрга тайёрлаш ишлари якунига етмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Karapinar Fikret. (2005). Hakîm Tirmizî ve ona ait bir mecmû'a. marife, yıl. 5, sayı. 2, Güz.
2. Абу Бакр Калобозий. (1994). Ат-Таъарруф. Қоҳира: Хонжи.
3. Жуюший М. (1980). Ал-Ҳаким ат-Термизий: диросатун ли осориhi ва афкариhi. Қоҳира: Дор ан-наҳда ал-арабийя.
4. Заҳрий Х. (2013). Ҳаким Хуросон ва анис аз-замон. Работ: Дор ал-омон.
5. Ибн Ҳажар Асқалоний. (2002). Лисан ал-Мизан / А.Абу Ғудда нашри. Байрут: Дор ал-Башоир ал-исломийя. Т. VII.
6. Фаридуддин Аттор. (1968).Тазкира ал-авлиё / М.Истеъломий нашри. Техрон: Заввор.
7. Ҳаким Термизий. (1998). Исбот ал-илал / Х.Заҳрий нашри. Касабланка: Матбаа ан-нажаҳ ал-жадида.
8. Ҳаким Термизий. Китоб ас-салот. Валиюддин фонди қўлғезмаси, инв. № 770.
9. Ҳусайний Абдулмуҳсин. (1963). Ал-маърифат инда ал-Ҳаким ат-Термизий. Қоҳира: Дор ал-Катиб ал-арабий.
10. Яҳё Усмон. (1965). Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асари муқаддимаси Байрут: ал-Матбаа ал-Касуликийя.

REFERENCES

1. Karapinar Fikret. (2005). Hakîm Tirmizî ve ona ait bir mecmû'a. marife, yıl. 5, sayı. 2, Güz.
2. Abu Bakr Kalabadi. (1994). At-Ta'arruf. Cairo: Maktaba al-Khanji.
3. Juyushi M. (1980). Al-Hakim at-Tirmidhi: dirasatun li atharihi wa afkarihi. Cairo: Dar an-nahda al-arabiyya.
4. Zahri Kh. (2013). Hakim Khurasan wa anis az-zaman. Rabat: Dar al-aman.
5. Ibn Hajar Asqalani. (2002). Lisan al-Mizan / ed. A.Abu Ghudda. Beirut: Dar al-Bashair al-islamiyya. Vol. VII.
6. Fariduddin Attar. (1968).Tadhkira al-awliya / ed. M.Isti'lami. Tehran : Zavvar.
7. Hakim Tirmidhi. (1998). Ithbat al-'ilal / ed. Kh.Zahri. Casablanca : Matbaa an-najah al-jadida.
8. Hakim Tirmidhi. Kitab as-salat. Waliyuddin fund, MS 770.
9. Husayni Abdulmuhsin. (1963). Al-ma'rifa inda al-Hakim at-Tirmidhi. Cairo: Dar al-katib al-arabi.
10. Yahya Uthman. (1965). Introduction to "Khatm al-awliya" by Hakim Tirmidhi. Beirut: al-Matbaa al-Kasulikiyya.

